

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОҢОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОҢОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

А.Юсупов	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиқов	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
	ТИЛШУНОСЛИК
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Саидова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
	ПЕДАГОГИКА
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

УДК: 370.018.1

ОИЛАДАГИ ИЖТИМОЙ МУҲИТ ВА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК

СОЦИАЛЬНАЯ АТМОСФЕРА В СЕМЬЕ И ГЕНДЕРНОЕ РАВЕНСТВО

THE SOCIAL ENVIRONMENT IN THE FAMILY AND GENDER EQUALITY

Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджонова¹¹Эгамбердиева Турғуной Аҳмаджонова

– Фарғона давлат университети, педагогика фанлари доктори, профессор. ФарДУ қошидаги Гендер тенглиги тадқиқотлар маркази раҳбари.

Аннотация

Мақолада оиладаги ижтимоий, маънавий муҳитни вужудга келтиришда эркак ва аёлнинг ўзаро муносабати, ушбу муносабатларнинг гендер жиҳатлари ҳамда унинг оила барқарорлиги ва фарзандлар тарбиясига кўрсатадиган таъсири таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье анализируются отношения между мужчиной и женщиной, гендерные аспекты этих отношений и их влияние на стабильность семьи и воспитание детей.

Annotation

The article analyzes the relationship between a man and a woman, the gender aspects of these relations and its impact on the stability of the family and the upbringing of children.

Таянч сўз ва иборалар: оила, эркак, аёл, фарзанд, тенглик, гендер, ижтимоий муҳит, оила барқарорлиги, зўравонлик.

Ключевые слова и выражения: семья, мужчина, женщина, ребенок, равенство, пол, социальная атмосфера, стабильность семьи, насилие.

Key words and expressions: family, man, woman, child, equality, gender, social environment, family stability, violence.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Моҳият-мазмунини миллий истиқлол ғоясининг мақсад-манфаатлари ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамият асосларининг мустақамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида, бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланимоқда, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги қарор топмоқда. Бу эса оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар негизида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 18 февралда “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”[1] ги фармонини имзолади. Зеро,

“мамлакатимизда сўнгги йилларда илм-фан ва таълим-тарбия соҳасини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга қаратилган, оилада фарзанд туғилганидан бошлаб, камолот ёшига етгунга қадар уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қиладиган яхлит ва узлуксиз тизим яратилмоқда”[2].

Мамлакатимизда кечаётган ислохотларнинг янги босқичида республикамиз раҳбарияти жамиятимизнинг бош бўғини бўлган оилага катта эътибор қаратмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатида таъкидланганидек: «Биз ўз олдимизга ёш авлодни баркамол, жисмонан соғлом, маънавий етук шахслар этиб тарбиялаш вазифасини янги босқичга кўтариш вазифасини қўйдик»[3]. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда янги асосларда шаклланиган оила тизими мана шу тамойилларга асосан ислох қилиниб, унинг жамиятдаги тарбиявий роли оширилмоқда, бироқ жамиятмизнинг муҳим негизи ҳисобланган оилаларимиздаги маънавий-ахлоқий ҳолатни мутлақо яхши деб бўлмади. Зеро, айрим оилалардаги мураккабликлар сабаб ахлоқий кемтикликлар ҳам учраб турибди.

ПЕДАГОГИКА

Ўзбек оиласининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар узоқ йиллар давомида шаклланиб, қадрият даражасига кўтарилган ва бугунги кунда ҳам ўз қимматини сақлаб қолмоқда, яъни болажонлилик, серфарзандлик, меҳнат тақсимотининг қатъийлиги, оила бюджетининг ота-она томонидан бошқарилиши, кичикларнинг катталарга иззат-икромни, оила ғурури, шаънини ҳимоя қилиш, унинг ҳар бир аъзоси учун бурчга айланиб қолганлиги, ватанпарварлик туйғусининг кучлилиги ва бошқалардан иборат. Ҳар бир ота-онанинг вазифасига оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлиги, фаровонлигига эришиш, билимли, ақл-заковатли, уддабурон, жисмоний ва баркамол инсонни тарбиялаш, хонадон анъаналари, касб-кори, шажарасининг давомийлигини таъминлаш, бўш вақтни унумли ўтказишга эришиш ҳамда гиёҳвандлик, нопоклик, ахлоқсизлик, эътиқодсизлик, ақидапарастлик, хоинлик каби иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик киради.

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунёда 133-275 миллион болалар ўз ота-оналари / парваришчилари ўртасида тез-тез бўлиб турадиган зўравонликнинг гувоҳи бўладилар[4;94]. Бундай муҳит таъсирида вояга етаётган боладан қандай қилиб ақлан етук, руҳан соғлом, маънавий комил инсонни тарбиялай оламиз? Биргина оиладаги муҳит, кайфият, муносабат билан боғлиқ муаммо, назаримизда, унчалик ёмон таъсир этмагандек кўринади. Сабаби Шарқ оилаларида аъзолар ўртасида ролларнинг бажарилиши, бир-бирига итоат ва бўйсунуш, оилада тартиб ўрнатишнинг асоси қаттиққўллик ва зўравонликда, деган қараш шаклланиб қолган. Натижада болалар ўз уйларида яқинлари муносабатидаги зўравонликнинг гувоҳи бўлиб қолмасдан, ўзлари ҳам зўрлик объектга айланиб қоладилар. Оиладаги муносабатларда зўравонликни юзага келтирувчи омилланинг аҳамияти каттадир.

Эр-хотиннинг меҳр-муҳаббати, оила аъзоларининг тенглиги, дўстлиги, ўзаро ҳурматида асосланган миллий оилавий муносабатлар ёшларда эркак ва аёл муносабатининг ахлоқий меъёрларини шакллантиришда, уларда бўлажак оилавий турмушга зарур амалий малака ва хислатларни тарбиялашда муҳим мактаб бўлиб хизмат қилади. Ажрашиб кетиш муаммоси бугун глобаллашган. Масалан, АҚШда тузилган никоҳларнинг 60 фоизи ажрашиш билан якун топмоқда. Европа мамлакатларида ҳам шундай манзара. Фақат Шарқ мамлакатларидагина бу кўрсаткич паст.

Оилавий муносабатларни йўлга қўйиш – бу, эр-хотиндан мунтазам ривожланиш ва ўсишни, ўз устида ишлашни талаб этади. Эр-хотинга ҳеч нима ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳурмат қилиш, қўллаб-қувватлашдек кучли таъсир кўрсата олмайди. Бир нарсани унутмаслик керак, ажралиш икки кишининг эмас, балки улар ўртасидаги фарзандлар, ота-она, қариндош-уруғ, эр-хотиннинг дўстлари, яқинларининг ҳам муаммосидир[5]. “Дунёда ҳар 8 та никоҳдан биттаси ажрим билан тугаётган бўлса, шундан 3-4 таси рашк ва хиёнатлар натижасида содир бўлмоқда”. Масалан, “АҚШда йилига ҳар минг кишининг 6 нафари никоҳдан ташқари муносабатлар қурбонига айланмоқда. Россияда эса ҳар йили тахминан 12000 оилада қотилликлар содир бўлиб, шулардан 60 % га яқини никоҳдан ташқари муносабатлар туфайли келиб чиқмоқда”[6;192].

Эркак ва аёл фақат муайян ёшга етганидан кейингина никоҳланиш ва ўз оиласини яратиш ҳуқуқига эга бўлади. Инсон ҳуқуқи соҳасидаги халқаро ҳужжатлар ирқий белгиси, миллати ёки динига кўра ҳеч қандай чекловларсиз ана шундай ҳуқуқни эътироф этади. Умум эътироф этилган нормаларга биноан, никоҳ ҳуқуқи миллий ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилади. Аёллар ҳамда эркакларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенглигини эътироф этган дастлабки ҳужжатлардан бири 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси бўлиб, унда БМТнинг барча халқлар инсоннинг асосий ҳуқуқларига, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қимматига ҳамда эркаклар ва аёлларнинг тенглигига ўз содиқликларини тасдиқлаганликлари кўрсатиб ўтилган. Декларациядан шу нарса келиб чиқадики, эркаклар ва аёллар қуйидаги соҳаларда тенг ҳуқуқларга эгадир: улар қонун олдида тенг ҳуқуқларга эга, камситишлардан тенг ҳимоя қилинадилар, тенг никоҳ ҳуқуқига, давлат хизматида тенг равишда кира олиш ва тенг меҳнат ҳақи олиш ҳуқуқига эга. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқларнинг кўп асрлик анъаналари ва амалиётини ривожлантириб, вояга етган эркаклар ва аёллар ирқий белгиси, миллати ёки динига кўра ҳеч қандай чекловларсиз никоҳланиш ва ўз оиласига асос солишга ҳақли эканлигини (16-модда) эълон қилади. Улар никоҳланиш чоғида, никоҳ даврида ва никоҳни бекор қилаётганда бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Никоҳ ҳар иккала никоҳланувчи томоннинг фақат эркин ва тўлиқ розилиги билангина тузилиши

мумкинлиги, оила эса жамиятнинг табиий ва асосий ячейкаси ҳисобланиши ҳамда жамият ва давлат томонидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга эканлиги тан олинади.

БМТ ҳужжатлари ва халқаро битимлар аёлларга никоҳда эркаклар билан тенг ҳуқуқларни, шу жумладан оилада бола сонини аниқлашга ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралиқларни тартибга солишга тааллуқли репродуктив тусдаги ҳуқуқларни беради. Аёллар иш жойида ҳам, ундан ташқарида ҳам оналик билан боғлиқ ҳуқуқлардан, шунингдек муносиб турар жойга эга бўлиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари лозим. Мавжуд битимлар ҳам аёллар ва эркакларни болалар тарбияси ва уларни ўстириш учун биргаликда жавобгар бўлишга даъват этади. Бунда болаларнинг қониқарли ҳаёт тарзини таъминлаш бўйича асосий мажбурият ота-оналар зиммасига тушади, давлат уларга бундай мажбуриятни бажаришларида ёрдам бермоғи лозим. 1954 йил декабрда БМТ Бош Ассамблеяси резолюция қабул қилиб, унда оила барпо этиш учун зарур бўлган никоҳ ёши ва бошқа шартларни белгилашни тавсия этди. Бу 1962 йилда қабул қилинган “Никоҳланишга розилик, никоҳ ёши ва никоҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги Конвенцияда ҳам таъкидлаб ўтилган. Конвенция ҳар иккала томоннинг шахсан ўзи томонидан билдирилиши лозим бўлган тўлиқ ва эркин розилигисиз, бу розилик қонунга мувофиқ лозим даражада эълон қилинмасдан никоҳ тузишга йўл қўйилмаслигини мустаҳкамлади... Конвенция иштирокчиси бўлган давлатлар минимал никоҳ ёшини белгиловчи қонун ҳужжатларини қабул қилишлари шарт. Бунда белгиланган ёшга етмаган шахс билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайди, ваколатли ҳокимият органи никоҳланувчи томонларнинг манфаатлари йўлида ёш тўғрисидаги бу қоидага жиддий сабабларга кўра истисно қилишга рухсат берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Никоҳ ва оила кўплаб асрлар мобайнида ҳар қандай жамият ижтимоий тузилмасининг ажралмас қисмлари бўлиб келган. Никоҳ ва оила инсоният жамиятини такрор ишлаб чиқарувчи ва унинг барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам ижтимоий институтлардир. Оила энг муҳим ижтимоий муассасалардан бири бўлиб, амалда айнан у орқали гендер вазифалари англанади ва амалга оширилади. Оила андозалари фақат муайян ҳолатлар ва қарорларга боғлиқ бўлиб қолмай, балки у

давлат сиёсатининг таъсири ва қуйи поғонада жамоаларнинг кўллаб-қувватлаши, шунингдек, анъаналар, ижтимоий қадриятлар ва иқтисодий муҳит орқали ҳам шаклланади. Айнан оила биз ўзимизни эркин ва бемалол тутишимиз мумкин бўлган ва ҳар биримиз учун қадрдон жой бўлиб қолмоқда. Оила жамият кўрсаткичи бўлиб, унинг аҳволи кўп жиҳатдан фаровонликка ва соғлом руҳий муҳитга боғлиқдир. Оила – бу, мураккаб ижтимоий муассаса бўлиб, оила ички муносабатлари ва эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг шаклланишида кўп нарса, биринчи навбатда, миллий маданият, тарихий анъаналар, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, шахс омиллари билан белгиланади. Оила бола вояга етадиган асосий макон ва инсоний муносабатлар барча турларининг ўчоғидир. Ҳозирги замон оиласи маълумотли, интеллектуал жиҳатдан ривожланган кишиларни, ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат ва тушуниш асосида қура оладиган эркаклар ва аёлларни тарбиялашга хизмат қила оладими, деган савол туғилади.

Оила қизларга ҳам, ўғил болаларга ҳам камолга етиш йўлини ўзлари танлаш ҳуқуқини берадими, у аёлнинг ҳуқуқларини ҳурмат қиладими, унга шахс сифатида қарайдими? Амалиёт шуни кўрсатадики, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида аёллар ўзларини эркаклар билан тенг деб билмайдилар, асрлар мобайнида уларга иккинчи даражали фуқаро сифатида муносабатда бўлиб келингани учун ҳам шундай аҳвол юзага келган. Ўзбекистонда оила ҳамда хотин-қизларнинг оиладаги ва жамиятдаги аҳволи масалаларига катта эътибор берилади.

Давлат томонидан оиланинг мавқеи ва ижтимоий салоҳиятини кучайтиришга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги мақомини оширишга қаратилган дастурлар қабул қилинмоқда. Ўзбек жамияти анъаналар ва урф-одатларга жуда бой бўлиб, улар жамият аъзоларининг ахлоқий, одоб ва маданий жиҳатдан ривожланишида ҳамда умуман миллатни уюштиришда ижобий роль ўйнайди. Бироқ, баъзи бир оилаларда айрим номақбул урф-одатлар ва расм-русумлар борки, улар бу оилалар аъзоларининг юриш-туриши нормаларини белгилайди. Урф-одатлар ҳамда уларга риоя этиш талаблари, хусусан, аёлни эркаклар билан тенг бўлмаган вазиятга қўяди. Оилада қизларни катталарга ва эрига итоаткорлик руҳида тарбиялаш ҳанузгача сақланиб қолган бўлиб, бу, айниқса қишлоқда кучли намоён бўлади. Масалан,

ПЕДАГОГИКА

никоҳларни тузиш ҳар доим ҳам никоҳланувчи жуфтликларнинг ўзаро розилиги ва ихтиёрий, онгли қарорига асосланган, деб бўлмайди. Никоҳ тузувчилар учун кўпинча уларнинг ота-оналари ёки оиланинг бошқа аъзолари бу масалани ҳал этадилар, бу эса никоҳланувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўғридан-тўғри бузишдир.

Давлат Конституцияси ва қонунлари ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз йўлини ўзи танлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланиб, уларда ҳар бир кишининг, яъни эркаклар ва аёлларнинг ҳар томонлама жисмоний ҳамда маънавий-ахлоқий ривожланишлари учун тенг ҳуқуқлар белгиланган ва кафолатланган. Ҳозирги замон жамиятида аввалбошданок гендер нотенглигига асослар яратилади: қизалоқлар болалигиданок асрлар давомида қарор топган аёллик вазифаларини бажаришга тайёрланади, уларда сусткашлик, ювошлик ва итоаткорлик руҳи тарбияланади; эркаклар ҳамда аёлларнинг оила ва ижтимоий ҳаётдаги тенглигига нисбатан эскича қараш шаклланиб боради; хотин-қизлар ижтимоий ҳаётдан оила ва маиший турмуш соҳасига сиқиб чиқарилади; эркакларнинг оила бюджетини шакллантиришда иштироклари, ҳиссалари юқори бўлганлиги туфайли оилада ҳукмрон мавқени эгаллайдилар; уй-рўзғордаги вазифалар тақсимланишида нотенгликка йўл қўйилади; эркаклар биринчи никоҳдан ажрашмасдан иккинчи (диний) никоҳ тузишлари мумкин ва ҳоказо. Аёллар оилада кўплаб вазифаларни бажарадилар ва бу вазифаларни қўшиб олиб бориш жуда мураккабдир. Аёллар оилавий иттифоқда шерик, уй-рўзғорда ҳақ тўланадиган ва тўланмайдиган бека, онадирлар. Болалар парваришига доир оғир юк ҳам кўпинча улар зиммасида бўлади.

Аёлларнинг ана шу вазифаларни бажаришлари оила аъзоларининг, хусусан болаларнинг соғлиғи, маълумот даражаси, моддий фаровонлигини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади, шунингдек аёллар болаларга улар ҳам улғайганларида муайян вазифаларни бажаришлари учун намуна бўлиб хизмат қиладилар. Оилада ота-она томонидан ҳам, эр-хотин томонидан ҳам хотин-қизларга нисбатан йўл қўйиладиган зўравонлик ҳолатлари жамиятда мавжуд бўлган гендер номутаносиблигидан жиддий далолатдир. Аёлларга нисбатан зўравонлик кўпинча маиший зўравонлик шаклида, ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, садизм асосида уларга нисбатан қотиллик ва турли даражадаги оғир тан жароҳатлари етказишда, шунингдек жисмоний

ва руҳий зўравонликнинг бошқа шаклларида намоён бўлади. Оилада зўравонликнинг ўсиши қадимий тарихий илдишларга, иқтисодий, ахлоқий, криминоген ва бошқа сабабларга эгадир. Бу ҳодиса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишидан қатъи назар, дунёнинг барча мамлакатлари учун хосдир. Чунончи, Европа давлатларида ўртача ҳар бешинчи аёл, жаҳонда эса ҳар учинчи аёл оиладаги зўравонликка дуч келади. Жаҳон бўйича Норвегияда 6%, Янги Зеландияда 20%, Голландия ва Швейцарияда 21%, АҚШда 22%, Канадада 29%, Буюк Британияда 30%, Мисрда 34%, Покистонда – 42%, Бангладешда 47%, Гонконг ва Эквадорда 50%, Туркияда эса 58% аёллар зўравонлик қурбони бўлганлар[7].

Ўзбекистонда аёлларга қарши зўравонлик кўринишларининг динамикасини мунтазам равишда кузатиш борасида давлат ва бошқа мониторинг тизимлари йўқлигига қарамай, турмушда зўравонлик тарқалгани тўғрисида айрим далиллар мавжуд.

Зўравонлик натижасида жамият улкан иқтисодий йўқотишларга дучор бўлади: меҳнат қилиш қобилиятини йўқотиш туфайли хотин-қизларнинг иш ўрнидаги самараси камаяди ва энг асосийси оилага, унинг бир меъёردа ривожланишига ўнглаб бўлмайдиган маънавий-ахлоқий зарар етказилади. Оила алоҳида бир жабҳа бўлиб, унда гендер тенглиги муаммолари ёки, аниқроғи, гендер нотенглиги жуда кескин, кўпинча жуда оғиқли тарзда намоён бўлади ва айнан оилада уларни ҳал этиш бошқа жойдагидан кўра қийин, жуда бўлмаганда, ҳуқуқ ёрдамида ҳал қилиш қийин кечади. Амалиёт шундан далолат берадики, қонунлар даражасида мустақамлаб қўйилган аёл ва эркак ўртасидаги тенглик принципи ҳар доим ҳам ҳаётга татбиқ этилавермайди, айрим ўринларда умуман татбиқ этилмай қолавериши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам айнан шу ўринда оилада гендер тенглиги ғояларини мутақамлаш ва уларни ҳаётга аниқ татбиқ этиш механизмини мустақамлаш жуда муҳимдир. Шу туфайли ҳам оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларини гендер таҳлилидан ўтказиш зарурати туғилдики, бу таҳлил амалдаги оилавий-ҳуқуқий нормалар эр ва хотиннинг ҳар бири ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириши имкониятини қандай таъминлаётганига, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари камситишлардан ҳоли бўлишни қай даражада кафолатлаши тўғрисидаги масалани тадқиқ этишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 сентябрдан эътиборан кучга кирган Оила

кодекси Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва оила муносабатлари соҳасидаги асосий қонун ҳужжати дир. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда оилани мустаҳкамлашга, оилада унинг аъзоларининг манфаатларини қаноатлантиришга энг кўп имконият берадиган муносабатларни ўрнатишга, оила аъзоларидан ҳар бири учун муносиб ҳаёт ва эркин ривожланишни таъминлайдиган шароитлар яратишга қаратилган ҳуқуқий шароитларни белгилашдан иборат дир. Бу мақсадни амалга оширишнинг зарур шarti эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенглиги принципини мустаҳкамлашгина эмас, балки улардан ҳар бирига тегишли ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятларни ҳам таъминлашдан иборат дир. Ўзбекистон Республикаси оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларидан бири оилавий муносабатларда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигидир. Ушбу принцип Оила кодексининг 2-моддасида белгиланган бўлиб, унда бундай дейилади: “Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши...тамойиллари асосида амалга оширилади”. Фуқароларнинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги принципи Оила кодексининг 3-моддасида ҳам белгиланган: “Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эга дирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди”.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда таълим тизимини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар билан бир қаторда мамлакатимизда ажримлар даражасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, ёш оилалар ўртасида ажримлар жамият тараққиёти учун катта хавф эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Давлат статистика қўмитасининг маълумотига эътибор қаратсак, 2019 йилнинг 11 ойи давомида мамлакатда 277 минг 420

та никоҳ қайд этилганлигига гувоҳ бўламиз. Бироқ мазкур маълумотномада 28 минг 755 та оила, асосан ёшлар ўртасида ажримлар юз берганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев бу ҳолатни «жуда ачинарли» деб баҳолаганлиги бежиз эмас, албатта. Уч йил ичида оилавий муносабатларни тартибга солиш масаласида институционал муаммоларни ҳал этишга қаратилган кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди, бироқ ажримлар даражаси ўсишда давом этмоқда. «Хўш, биз бу ҳолатга қарши қандай аниқ чоралар кўряпмиз? Хотин-қизлар қўмитаси, „Оила“ илмий маркази, „Маҳалла“ кенгаши, „Нуроний“ ташкилоти ва Ёшлар иттифоқи оилавий ажримларни камайтириш учун қандай самарали чоралар қўллаяпти?» – деган саволларни ўртага ташлаш орқали Шавкат Мирзиёев Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги «Оила» маркази, Ўзбекистон фахрийларининг «Нуроний» жамғармаси ва бошқа масъул ташкилотлар ажрашаётган эр-хотинлар сонини камайтириш бўйича ҳеч қандай чоралар кўрмаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. «Бу йўналишда илмий асосланган тавсиялар ва ечимлар йўқ... Ҳеч ким ташаббус билан чиқмайди... Ҳокимлар пахта ва буғдой йиғим-терими ҳақида қўшиб ёзиб ҳисобот беришади, бу борадаги ишлар тўғрисида ҳам ҳисобот беришсин»[8], – деди президент. Шу боисдан Шавкат Мирзиёев «Йилнинг намунали ёш оиласи» республика танловини 2020 йилдан бошлаб ўтказишни таклиф қилди. Шунингдек, ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази, республика Маҳаллалар кенгаши, «Нуроний» фахрийларидан иборат «Фахрийлар ибрати» маслаҳат кенгаши фаолиятини самарали йўлга қўйишни таклиф этди. «Бу кенгаш маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари ҳал қила олмаётган муаммони судга чиқаришдан олдин, янги таъсирчан бўгин бўлиб хизмат қилади», – деди давлат раҳбари. Президент Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари раҳбарларини таклифлар йўқлиги, яраштириш комиссияларининг самарасиз фаолияти учун танқид қилди ва «агар улар аравани тортолмаса, лавозимларидан бўшатилиши мумкин»лигини маълум қилди. Президент адолатли муҳит ва содиқ раҳбарлар кераклигини, улар ажралиш тўғрисидаги иш судга тақдим этилаётганини шунчаки кузатиб турмаслигини таъкидлади. Унинг

ПЕДАГОГИКА

сўзларига кўра, илгари ёш оилаларни уй-жой ва иш билан таъминлаш имкони бўлмаган, ammo ҳозир вазият ўзгармоқда. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2017 йилда никоҳлар ва ажримлар сони мос равишда 306,2 минг ва 31,9 мингга, 2018 йилда эса 311,3 минг ва 32,3 мингга ташкил этган[8].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, оила тарбиясининг қуйидаги йўналишлари: иқтисодий билимлар бериш; хўжалик юритишни ташкил этиш; ахлоқий талаблар, нормалар, қоидаларни ўрганиш, энг юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш; касб-ҳунар ўргатиш; меҳнатни тўғри, қизиқарли, моддий ва маънавий фойдали этиб ташкил этиш; нозик эстетик дидни санъатнинг барча турлари орқали шакллантириш, уйни, уй жиҳозларини замонавий дизайн қонунларига асосланиб қуриш ва безаш; ҳуқуқий билимларга эга бўлиш, оилада адолатга, тенг ҳуқуқлилиқка, мустақиллиқка эришиш; диний таълим бериш, Қуръонни, исломнинг ахлоқий асоси бўлмиш ҳадисларни ўрганиш; жисмоний тарбия, соғлом турмуш тарзини барпо этиш; фарзандларни оила қуришга тайёрлаш, жинсий тарбия, эр ва хотин бурч-вазифаларини ўргатиш; тиббий билимлар олиш, шахсий гигиенага риоя этиш, уйнинг, уй жиҳозларининг санитария ҳолатига аҳамият бериш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билиш, халқ табобатини ўрганиш; нафс тарбияси, барча нарсаларда: овқатланиш, кийиниш, ахлоқ-одобда меъёр бўлиши зарурлигига эришиш; руҳий-эмоционал тарбия, доимо руҳий тетиклиқка, фаоллиқка, теранлиқка, ўзини идора этишга, жаҳлни жиловлай билиш, ўзини ортиқча уринтирмай сокинлик ва мулойимлиқка, бошқаларга ёмон таъсир ўтказмаслиқка ўрганиш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Бу йўналишлардан келиб чиққан ҳолда оила тарбиясининг усулларини кўрсатиш мумкин, улар қуйидагилар: мулоқот; ўрناق бўлиш; кузатиш ва назорат; тўғри, адолатли баҳолаш; танбеҳ бериш; оила кутубхонаси

ташкил этиш, унда ахлоқ-одобга бағишланган аждодларимиз ёзиб қолдирган бой меросни, нодир китобларни йиғиш; оилавий китоб журналлар ўқиш, таҳлил этиш; дунёқарашни шакллантирадиган ва ривожлантирадиган долзарб воқеаларга, оила, оилавий муносабатларга ахлоқ-одобга бағишланган кўрсатувларни телевизор орқали кўриш, уларни барча оила аъзолари билан биргалиқда таҳлил қилиш; оилавий театрларга бориб спектакллар томоша қилиш; музейларга бориш; муқаддас қадамжоларни, ўтган яқин қариндош-уруғларнинг қабрларини зиёрат қилиш; оиланинг яқин қариндош-уруғлари ҳолидан хабар олиш; уйда фарзандларга ўзларини қаерда, қандай тутиш кераклигини машқлар орқали ўргатиш, чиройли қараш, яъни нигоҳни ўргатиш; маҳаллада ўтказиладиган тўй-маросимларда фаол иштирок этиш; кам таъминланган, кўп фарзандли, боқувчисини йўқотган, муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бу жараёнда болаларнинг фаол иштирок этишига катта аҳамият бериш; дам олишни қизиқарли, фойдали ташкил этиш, табиат қўйнида, дала ҳовлида, сиҳатгоҳларда оила аъзоларининг бирга дам олишлари; бошқа дин, миллат вакилларига нисбатан бағрикенглик, улар билан дўстлашиш.

Хуллас, оила тарбияси ҳар қанча ўзига хос, бетакрор бўлмасин, у, асосан, ягона манбадан озиқланиб, ўсиб-ўзгариб, бойиб боради. Бу манба миллий-маданий меросдир. Бинобарин, аввало айтиб ўтилганидек, оила тарбияси миллий маданий мероснинг узвий бир қисми бўлиб, унда шу миллат асрлар давомида тўплаб қўлга киритган барча маданий бойлиқлар синтези мужассамлашган бўлади. Табиийки, оила жамиятдан айри ҳолда воқе бўлолмайди. Ҳар қандай оила жамият таркибида, жамият ичида яшайди. Шунга кўра, оилавий муносабатлар жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий-маърифий муносабатлар билан белгиланади ҳамда улар таъсирида ўсиб ўзгариб, такомиллашиб бораверади.

Адабиётлар:

1. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/02/18/vazirlik/>
2. <https://president.uz/uz/lists/view/4660>. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табриги. 29.09.2021.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2.12.2017 // press-service.uz
4. Зўравонлиққа ҳисса қўшувчи омиллар // Болаларга нисбатан Зўравонлик бўйича Бутунжаҳон Ҳисоботи. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Котибининг «Болаларга нисбатан зўравонлик тадқиқоти» томонидан нашр этилган. – 94 б.
5. <https://www.pv.uz/uz/news/ne-razvodites-pozhalujsta>
6. Оилаларда зўравонлиқларнинг сабаб ва шароитлари, профилактикаси ҳамда хорижий тажриба: Республика амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 192 б.; Classen CC et al.(2018). Sexual Revictimisation: A Review of the Empirical Literature. Trauma Violence and Abuse, 6(2): 103-129.
7. http://www.oef.org.ee/_repository/File/Lhisuhtevgivald%20veneekeelne%202007.pdf
8. <https://www.gazeta.uz/uz/2019/12/29/divorce/>